



Парламент фаолияти

ХАВФСИЗЛИК — ҲАЁТИЙ МАСАЛА

Халқимиз тинчлик ва тотувликни ҳамма нарсадан устун қўяди. Тинчлик бор жойда бундкорлик, яратувчанлик бўлади. Сир эмас, бугун таҳликали замонда яшаймиз. Хавфсизликни таъминлаш инсоният олдидаги энг долзарб масалага айланган. Бугунги кунлар, терроризм балосидан сақланиш учун биргаликда қатъий кураш олиб бориш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан «Минтақавий хавфсизликнинг долзарб муаммолари ва Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ташаббуслари» мавзусида семинар ўтказилди. Анжуман ишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Сенат аъзолари, мутахассислар, экспертлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотрафикка қарши курашда халқаро ҳамкорлик, Марказий Осиёда адродан холи зона ташкил этиш бора-

сида ҳамда бир қатор бошқа йўналишларда Ўзбекистон Республикаси илгари сураётган ташаббуслар тўғрисидаги долзарб масалалар юзасидан маърузалар тингланди.

Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик масалаларини таъминлаш борасидаги сиёсати мавжуд аҳволни реал ва холис баҳолашга асосланиши, ушбу жараёнга таъсир ўтказувчи барча жиҳатлар ҳисобга олинганлиги таъкидлаб ўтилди.

Сўзга чиққанлар, айниқса, сўнгги вақтларда Ўзбекистон атрофида кучаяётган ҳамда турли шакл ва усулларда амалга оширилаётган ахборот таъжувуларига тўғрисида тўхталиб ўтишди. Инсон ҳуқуқлари ҳимояси каби шиорлар остига яширинган ушбу қишлар мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар моҳиятини бузиб кўрсатишдан, шу йўл билан ўз ички ва ташқи сиёсатини фақат ўз манфаатларига мос равишда олиб боришга интилаётган суверен давлат ички ишларига аралашшга уринишдан бошқа нарса эмас.

Анжуманда мавжуд муаммолар масалаларни ҳал қилишда

минтақа давлатларининг саёй-харакатларини жиқлаштириш, янгича ёндошувларга асосланган қарашларни шакллантириш, ўзаро ҳамкорликда аниқ натижаларга йўналтирилган ҳолда амалга ошириш зарурлиги тўғрисида гапирилди.

Бу йўналишда айниқса, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда интеграция жараёнлари ва бозор ислохотларини ривожлантиришга эътибор қаратаётгани, минтақавий умумий бозорни шакллантириш борасида илгари сураётган ташаббуслари алоҳида ўрин тутиши қайд этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Сенат аъзолари халқ сайлаган вакиллар сифатида нафақат мамлакат, балки бутун минтақавий ислохот қилаётган аҳоли тақдирига бевосита дахлдор бўлган масалалар борасида фаол позицияда бўлишлари лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон тинчлик тарафдори. Бутун дунё халқлари тинч-осойишта яшашини истади. Бунинг учун соғлом кучларни бирлаштириш керак. Зеро, хавфсизликни таъминлаш — ҳаётий масала.

Равшан ШОДИЕВ

Тадбир

САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ БОҒОТДА

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури асосида хайрия юклари ортилган поезд Хоразм вилоятининг Боғот туманига келди. Туман аҳолисига салкам ярим миллион сўмлик дори-дармонлар, шприцлар, санитария-гигиена воситалари топширилди. Меҳнат фахрийси Мадрим Отаниёзовнинг таъкидлашча, бундай меҳр-муруват акциялари аҳолининг қалбини қувонга тўлдирди.

Шу кунга қадар вилоятнинг Боғот, Урганч, Хонқа, Шовот ва Хазорасп туманлари аҳолисига «Экосан» саломатлик поездининг 50 млн. сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди. Жумладан, Тошкентдан ташриф буюрган 15 нафар мутахассис шифокорлар гуруҳи вилоятнинг 4 мингдан зиёд аҳолисини янги тиббий қўриқдан ўтказдилар.

«Экосан» саломатлик поездининг «Наврўз» тантаналари кунлари хайрия ёрдаларини ўз эгаларига тарқатиш тадбирлари давом этмоқда.

Мирқарим МИРСОУРОВ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оиладаги бола тарбияси бўлган эътибор кучайди. Чунки ақлан етук, ахлоқан пок, жисмоний ва руҳий соғлом авлодни вояга етказиш ҳар қандай жамиятнинг устувор мақсади эканлиги истиқлолнинг илк кунлариданоқ мана шу заруратни кун тартибидеги асосий масала сифатида олдимизга қўйди. Бундай авлод эса, энг аввало, маънавий-ахлоқий жиҳатдан соғлом оилада шаклланди.

ОИЛАДА БОЛА ТАРБИЯСИ

Оилада бола тарбияси бўлган талаб кун сайин ортиб боради. Айни пайтда давлатнинг, ота-онанинг болани тарбиялашдаги, фарзандларни эса ота-она олдидаги масъулиятини оширишдаги роли кучаяди.

Маълумки, бола тарбияси негизда оиладаги тарбиянинг бир-бирига нисбатан муносабатлари ётади. Оилавий муносабатлар, бу — турли ёш ва жинсдаги, турли характердаги, шунингдек, билим даражаси турлича бўлган кишилар ўртасидаги инсоний муносабатларини синаб кўриш ҳамда уларни мустақамлашда ўзига хос тушунчадир. Оила педагогикаси инсоний муносабатларнинг бирга яшаш, ҳамкорлик, самимийлик каби қоридларни илгари суради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 28 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилаяди:

Table with exchange rates for various currencies: Австралия доллари 856,08, Англия фунт стерлинги 2112,66, Дания кронаси 195,39, БАА дирхамси 329,74, АКШ доллари 1210,00, Миср фунти 211,08, Исландия кронаси 16,56, Канада доллари 1035,78, Хитой юени 150,85, Малайзия ринггити 327,78, Польша злотийи 374,83, СДР 1735,89, Туркия лираси 904,88, Швейцария франки 924,86, ЕВРО 1457,57, Жапония иенаси 103,68, Россия рубли 43,45, Украина гривнаси 239,60.

аралашма, катта бўлсан тушуниб оласан» қабилда танбех бериб, болада сўраб ўрганиш ва мустақил фикрлаш туйғусини йўқотди. Бу эса фарзанднинг ота-онандан ўзоқлашишига, натижада оиласидан топа олмаган тушунчани кўчадан ахтаришига, ўз навабатида у боланинг онгида турли ёт гоёлар ўрнашиб қолишига олиб келади.

Президентимиз маърузаларидан бирида ёт гоёларга тушиб қолаётган фарзандларни эътиборга олиб, ота-оналаримизга, махалла оқсоқолларига, ўқитувчи ва мураббийларига қарата: **Хозирги кунда диний экстремизм мафқурасига, қўпоров-**

чилик-террорчиликка қарши курашдаги асосий вазифа — аҳоли ўртасида, айниқса ёшлар билан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил ўйланган тизим асосида ташкил этиш... деган фикрни билдирган эдилар. Бунинг моҳияти эса ҳар бир масъул шахс жойларда тарбия борасидаги вазифаларни изчил бажариши, яъни фарзандлар тарбиясида педагогик омилларни тўғри йўлга қўйиши лозимлигини аниқлатади.

Қайси оилада тарбия яхши аъёнлар асосида йўлга қўйилган бўлса, ўша оила фарзанди катта мероси — уларга ўргатилган ахлоқи ва одобидир», дейилган.

Оила бола учун ойнадир. У ўз ота-онасининг хатти-харакатлари, бутун ҳаётий фаолиятини кузатиб юради. Шу жараёнда у ўз-ўзини англай бошлайди. Бу эса болада ижобий тасаввурлар шаклланишига ёрдам беради. Жумладан, ота-онанинг ибратли бола тарбиясида муҳим аҳамият касб этиши айнан шу жиҳатга боғлиқ. Шунинг учун ҳам ота-оналарнинг ҳар бир хатти-харакати пухта ўйланган ва аниқ мақсадга қаратилган бўлиши керак.

Маълумки, ота-она маънавий жиҳатдан қанчалик етук бўлса, улар ўз фарзандларига нисбатан шу қадар жиддий ва бола тарбиясида масъулиятли муносабатда бўлади. Оиланинг тарбиявий имкониятлари беқийсдир. Айниқса, боланинг табиий аломатлари ва насли-насаби қанчалик аҳамиятга эга бўлмасин, унинг қамолотида тарбия масаласи ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунингдек, ота-онанинг бола тарбиясида онгли ва тўғри муносабатда бўлиши боланинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбияланганлигини белгилайди.

Бир сўз билан айтганда, оилада фарзанд учун биринчи навбатда ота-онанинг қўли тарбиявий таъсири асосий роль ўйнашини бугун ҳеч биримиз унутмаслигимиз керак. Шундай экан, ота-оналар оилада болани маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг муҳим омиллари — инсонларварлик, ор-номус, миллий ифтихор, онг, тафаккур, маънавий тарбия, ўз-ўзини англаш каби ахлоқий тарбиялаш усулларини амалга оширишлари зарур.

Хусниддин НОРҚУЛОВ, ЎзДЖТУ маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи

МИНГТЕПАДА БАЙРАМ

Тарихий қадамжо Мингтепа кўкма кўрки билан ўзгача ороланди. Бағрида улуг аجدдоларимиз ҳоки-пойини авайлаган Мингтепа бу баҳорда янада яшнади. Марҳамат тумани ҳокимлиги Наврўз байрами сайлини Мингтепада ўтказиш тадоригини кўрди. Эҳтиромга сазовор кексалар, азиз меҳмонлар тўкин дастурхонга таклиф этилди.

Тантананада сўзга чиққанлар ҳам-мани Наврўз айёми билан қўтлади. Кўпни кўрган кексалар зиёратгоҳ обод қилинганидан хурсандликларини билдирдилар. Юрт равнақи, деҳқончилик барокоти учун дуо қилдилар. Ўғил-қиз, набиралари билан мевали дарахт кўчатлари ўтказдилар.

дан иборат кўрғон-қалъа бўлган. Аждодларимиз мардлиги, ватанпарварлиги, қаҳрамонлиги тимсоли бўлиб қолган тарихий тепаликлар хозиргача сақланиб келяпти. Истиқлол туфайли, Наврўз нафаси билан, одамлар меҳри билан Мингтепа зиёратгоҳга айланяпти.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

«2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили»

Республикаимиз соғлиқни сақлаш тизимида ислохотлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу борада Олтинқўл туман тиббиёт муассасаларида муайян ишлар амалга ошириляпти. Туман соғлиқни сақлаш бўлими шифокорлари худуддаги 137 минг 398 нафар аҳолининг соғлигини муҳофазалаш, уларга тиббий ёрдам кўрсатишда соҳани ма-лакали кадрлар билан таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашни асосий вазифа қилиб белгиландилар.



Суратда: туман шошилинч тиббий ёрдам бўлими реаниматологи Сиддиқали Зулунов ва Маҳкамжон Аҳмедовлар. Сурат муаллифи Ш.ОЛИМОВ (Ўза)

Тумандаги 26 та қишлоқ врачлик пунктлари, 4 та поликлиника ва 2 та шифохонада жами 169 нафар шифокор, 1117 нафар ўрта тиббиёт ходимлари беморлар саломатлиги учун масъулдилар.

Яқинда туман марказида капитал таъмирдан чиқарилган шошилинч тиббий ёрдам бўлими яна беморларни қабул қила бошлади.

Иқтисодий ва ислохот

Яқинда акциядорлик-тижорат «Турон» банки Бухоро филиали ёнида Ғиждувон туманида фаолият олиб бораётган «Шариф-Жума» фермер хўжалиги раҳбари Аҳмад Бекмуродовни учратдик. Қувончи шундоққина юз-кўзларидан кўриниб турибди.



заводи» масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун бундан икки йил бурун банкдан 10 миллион сўм кредит олган эди. Қисқа муд-

Умуман олганда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда акциядорлик-тижорат «Турон» банки Бухоро филиали ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Буни қуйидаги мисолдан ҳам кўриш мумкин. Банк иш фаолиятини бошлагандан мижозлар сони 157 тани ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунда улар 1028 га етган.

Банк асосан қишлоқ ва сув хўжалиги вазириликка қарашли корхона ва ташилотларга, шунингдек, кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатади.

филиалида ҳисоб рақам очилиб, 2006 йил галла ва пахта ҳосилини етиштириш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Хозирги кунгача 34 та фермер хўжалигига 650 гектар ер майдонида 1948 тонна пахта ҳосилини етиштиришлари учун йиллик 3% билан 27,7 млн. сўм, 24 та фермер хўжалигига 183 гектар ер майдонида 731 тонна галла ҳосилини етиштиришлари учун йиллик 3% билан 10,2 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилди.

АТ «Турон» банкнинг Олот филиали то-

хилма-хил омонатлар таклиф қилинган. Жумладан:

- 1. «Нуроний» — йиллик 23% 3 ой муддатга;
2. «Кафолат» — йиллик 23% 10 кун муддатга;
3. «Имконият» — йиллик 21% 1 ой ва 12 ой муддатга;
4. «Орзу» — йиллик 18% 3,6,9,12 ой муддатга;
5. «Ният» (автокредит) — йиллик 5%;
6. «До 18 лет» — йиллик 16% 5 йил муддатга;
7. «Омад қувончи» — йиллик 5% ютуқли.

Бундан ташқари, замонавий хизмат тури бўлмиш пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш, улардан чакана савдода, коммунал тўловларни тўлашда ва бошқа турдаги хизматлар учун ҳақ тўлашда фойдаланиш, шунингдек, пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш мақсадида, вилоят «Турон» банкида 3200 донна пластик карточкалар мавжуд бўлиб, улардан фойдаланиш учун жойларда 17 та терминал ўрнатилган. Пластик карточкаларнинг қолдиқ маблағларига йиллик 18% устам тўланади.

Банкда халқаро пул ўтказишининг энг қулай ва тезкор усулларидан «Western Union», «Быстрая почта» ва «Travelex» пул жўнатмалари мавжуд.

Корпоратив мижозларни банкка жалб қилиш ва улар учун хизмат турларини кенгайтириш борасидаги янгиликлар ҳам талайгина. Миллий валютани конвертация қилиш, экспорт-импорт шартномаларини рўйхатга олиш ва турли хил валюта жараёнларини қўллаш, консалтинг хизматларини яхшилаш, тобора кенг тус олмақда. Аҳоли гавжум жойлар ва бозорларда мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида қўшимча минибанклар ва жамғарма кассалари очилмоқда.

Мухтасар айтганда, АТ «Турон» банк Бухоро филиали жамоаси бугунги кунда илгор молия муассасаларидан бирига айланиб бормоқда.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРҲАЙИЗЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбирлари

МОЛИЯВИЙ МАДАД

ЎКИ АТ «ТУРОН» БАНКИ БУХОРО ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ ХУСУСИДА

дат ичида қарзини узиб мўмайгина даромад ҳам олди. Корхонага яқинда яна 20 миллион сўм кредит ажратилди. Энди бу борада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 бараварга ошди. Боз устига 33 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Баҳодир Зияев раҳбарлигидаги «Аму-Бухоро каналқурилиш» акциядорлик жамияти ва унга қарашли бўлган ташилотларга банк томонидан 2005 йилда 107 миллион сўм кредит ажратилди. Ушбу маблағ вилоят сув тизими ва ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ишлари учун сарфланди.

Бугунги кунда мижозлар манфаатини қўлаб, уларнинг узоқини яқин қилиш мақсадида, АТ «Турон» банкнинг 1 та филиали Олот туманида, 1 та минибанки Ғиждувонда фаолият олиб бормоқда. Бу ўз навабатида банк мижозларига хизмат кўрсатишни ривожлантириш билан бирга қўшимча мижозлар жалб қилиш орқали банк даромадини ошириш учун имкон яратяпти.

2006 йил бошидан ҳозирги кунга қадар тугатилган ширкат хўжаликлари негизда янги ташкил қилинган фермер хўжаликлари АТ «Турон» банкнинг Бухоро

монидан 300 та фермер хўжалигига 2690 гектар ер майдонида 8200 тонна пахта ҳосилини етиштиришлари учун йиллик 3% билан 115,0 млн. сўм, 21 та фермер хўжалигига 191 гектар ер майдонида 419 тонна галла ҳосилини етиштиришлари учун йиллик 3% билан 6,5 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Филиал мижозларининг барча талаб ва эҳтиёжларини ўз вақтида бажариб келмоқда. Хусусан, уларнинг бўш пул маблағларининг хавфсизлигини таъминлаш, қолаверса, банкдаги пул айланмаларини йўлга қўйиш мақсадида, банкда

Шарҳ

ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ:

# МАНФААТ МАСОФА ТАНЛАМАЙДИ

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик масофа билмайди. Жанубий Корея биздан қанчалик узоқ бўлмасин, давлатларимиз ўртасидаги кўп томонлама алоқалар тобора мустаҳкамланиб, йил сайин кенгайиб, янги мазмун билан бойиб бормоқда. Бугун биз стратегик ҳамкорларимиз. Чунки, Президентимизнинг Сеулга шу сафарги ташириши деярлик тўртта стратегик шериклик тўғрисида кўшма ҳужжат имзоланиши кутилмоқда. Корея Республикаси Ўзбекистонни 1992 йилдаёқ таниган бўлса, шундан бери икки давлат ўртасидаги муносабатлар жиддий синовдан ўтди ва ўзаро ишонч мустаҳкамланди.

Бугун биз Корея Республикаси ҳақида аниқ тасаввурга эгамиз. Корея ярим оролининг жанубида жойлашган давлатнинг худуди Ўзбекистоннинг худудидан қарийб тўрт ярим баравар кичик бўлгани ҳолда аҳолиси биздагидан салкам икки баравар кўп. Мамлакатнинг Пусан, Тэгу, Кванжу, Инчхон каби

да ҳам, Кореяга бориб ишлаб келган юрдошларимиз фаолиятларида ҳам кўрдик. Иш соатларида бир дақиқа ҳам бекор туриб ёки тўхтаб қолиш бўлмагани керак. Тўйта ва Тошкентдаги енгил саноатга ихтисослашган

килиш ёки бошқа усуллар билан бировлар ҳисобига бойиш йўлини танлаган давлатлар сирасига қирмайди. Жанубий Корея ўз кучи ва имкониятлари ҳисобига бойи бораётган давлат. Қатъий интизомдан ташқари корейс халқининг интеллектуал имконияти ҳам катта. Бу имконият илмий-техника тараққиётини юксалтиришда мамлакатни катта давлатлар билан рақобатлашадиган даражага олиб чиқди. Кузатувчиларнинг фикрича, агар келажакда «катта саккизлик» сафи кенгайдиган бўлса, Жанубий Корея аъзоликка муносиб номзодлардан биридир.

Мамлакат иқтисодий тараққиётда ўз кучига таянаётганидек, халқаро муносабатларда ҳам мустақил сиёсат юритади. Унинг ташқи сиёсатини гарбпараст деб ҳам, шарқпараст деб ҳам бўлмайди. Бу сиёсатга Корея Республикасининг ҳозирги президенти Но Му Хён асос солди. У 2002 йилнинг декабрь ойида президент этиб сайланди. Унгача мамлакат ташқи сиёсатида асосан океан ортига мойиллик бор эди. Сиёсий тузумлар ва давлат-

ларнинг турли гуруҳларига қарамасдан мўтадил сиёсат юритиш мамлакатнинг халқлар микросиёсатидаги обрў-эътиборини ошириб юборди.

Но Му Хён ўз гоёси ва масофаларига содиқ қилиб келмоқда. У Шимолий Кореядаги миллатдошлари билан ҳам муроса йўлини топиш тарафдор. Шунингдек, ўзининг мамлакатни Осийнинг шимолий-шарқий минтақасида ўз ўрнини топиб, вазиятга таъсир кўрсатиш кучига эга бўлишни истади. Унинг мақсади мамлакат иқтисодини юксалтириш билан бирга минтақада мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Шарҳимизни Но Му Хённинг куйидаги сўзлари билан якунламоқчимиз: «Биз ўз фарзандларимизга инсоннинг гуруҳи ёрқин гуллаб-яшнайдиган ҳамда принцип галаба қилдиган жамиятни қолдириши керак. Бизнингча, Сеулдаги учрашувлар ва мулоқотлар гоё ва мақсадларимиздаги ухшашликни уйғунлаштиришга хизмат қилади.



Сеулдаги «Бахт таратувчи сарой» номига олган қадимий кирол саройи. 1394 йилда Чо Сон сулоласи ҳукмдори томонидан қурдирилган.

қўшма корхоналарда бунинг гувоҳи бўлди. Шақ-шубҳасиз, бугунги Корея Республикаси жаҳондаги энг бой ва тараққий этган давлатлардан бири. Бироқ бошқа айрим ривожланган давлатлардан фарқи шундаки, бу мамлакат ўзгаларга таъйиқ ўтказиб, уларнинг моддий ресурсларига эгаллик


нинг сири, аввало, замонавий технология бўлса, иккинчиси — ишлаб чиқариш интизоми ва қатъий меҳнат интизоми. Ҳамма жойда интизом, интизом ва яна интизом мавжуд. Буни ўзимиздаги кўшма корхоналар фаолияти-

қўшма корхоналарда бунинг гувоҳи бўлди. Шақ-шубҳасиз, бугунги Корея Республикаси жаҳондаги энг бой ва тараққий этган давлатлардан бири. Бироқ бошқа айрим ривожланган давлатлардан фарқи шундаки, бу мамлакат ўзгаларга таъйиқ ўтказиб, уларнинг моддий ресурсларига эгаллик

қўшма корхоналарда бунинг гувоҳи бўлди. Шақ-шубҳасиз, бугунги Корея Республикаси жаҳондаги энг бой ва тараққий этган давлатлардан бири. Бироқ бошқа айрим ривожланган давлатлардан фарқи шундаки, бу мамлакат ўзгаларга таъйиқ ўтказиб, уларнинг моддий ресурсларига эгаллик

қўшма корхоналарда бунинг гувоҳи бўлди. Шақ-шубҳасиз, бугунги Корея Республикаси жаҳондаги энг бой ва тараққий этган давлатлардан бири. Бироқ бошқа айрим ривожланган давлатлардан фарқи шундаки, бу мамлакат ўзгаларга таъйиқ ўтказиб, уларнинг моддий ресурсларига эгаллик

## ҚУЁШ ТУТИЛИШИ НОЁБ ҲОДИСА



### КУЗАТИНГ, ЭРТАГА САЙЁРАМИЗДА МАФТУНКОР ВОҚЕА ЮЗ БЕРАДИ

лиш ўз орбитасида ҳаракатланаётган Ойнинг Ер ва Қуёш оралиғидан ўтаётган пайтда Қуёш юзасини тўсиб қўйиши туфайли содир бўлади. Аввалги тутилиш АҚШ ва Канада қирғоқларидан бошланган бўлса, бу сафар дунё вақти билан соат 8 дан 36 дақиқа ўтганда (Тошкент вақти билан соат 13 дан 36 дақиқа) Жанубий Американинг шарқий қирғоқларидан, Бразилия худудидан бошланади. Ойнинг айланаси 186 километрга тенг бўлган сояси Ер сиртига тушади. Соя фарбдан шарққа қараб ҳаракатланиб, Ер сиртида «белбоғ» чиза бошлайди. Ана шу белбоғ ичидагилар учун Қуёшнинг тўла тутилиши кузатилади. Тутилиш белбоғининг икки томонида жойлашган 3000 километрга бўлган худудларда қисман тутилиш кузатилади.

Ой сояси аста-секин Атлантика океанини кесиб ўтиб, Шимолий Африкага келади. Ливия ва Чад чегараларидан сўнг Уртаер денгизи, Туркия, Қора денгиз ва Каспий денгизи шимолда кузатилади. Кейин Асротахони «ялаб» ўтиб Қозғонга соя ташлайди ва Жанубий Сибирь, Олтой ўлкаси, Тува ва Мўғлистон чегарасидан ўтиб, дунё вақти билан соат 11 дан 46 дақиқа ўтганда туғайди. Тутилиш фазаси тўла тутилиш минтақасининг турли худудларга турлича бўлиб, унинг энг катта давомийлиги 4 дақиқа-ю 11 сониягача боради.

Тутилиш пайтда Қуёш юзаси аста-секин Ой гардиши билан тўсилади, натижада атмосфера қоронғулик тушади. Бу пайтда ҳайвонлар, парранда-ю бошқа жонотлар ҳаракатида ўзгаришлар юз беради. Масалан, тўла тутилиш тамом бўлгандан сўнг туюқлар тонг отди, деб ўйлаб, туҳум қўйишга киришади.

— **Уқувчилик пайтимизда ўқитувчиларимиз айтиб беришарди:** қадимда Қуёш ва Ой тутилган пайтда одамлар тоғрою ноғораларни даранглатишиб, гўё жинларни қувишган...

— Ҳа, тўғри. Қадимда Қуёшнинг тўла тутилиши фалокат аломати саналган. Шарҳ мамлакатларида, хусусан, Хитойда, одамлар Қуёшни ёвуз аждаҳо юта бошлайди ва шу сабабдан тутилиш содир бўлади, деб

номасидир. Хитой халқининг буюк маданияти туфайли қадимда бўлган кўпгина тутилишлар ҳақидаги маълумотлар бизгача етиб келган. Улардан энг қадимгиси эраимиздан аввалги 2137 йилнинг 22 октябрида бўлган Қуёш тутилишидир. Бу тутилиш қайд этилганларидан энг қадимгиси бўлибгина қолмай, қайғули тарихи билан ҳам машҳурдир. Император астрономларидан Хи ва Хо ушбу тутилишни олдиндан айтиб бера олмаганлар ва оқибатда «аждаҳо»ни қўриқтиш учун қилинадиган чора-тадбирлар ўтказилмай қолган. Император Чун Канча фармонига биноан бошқаларга ибрат учун бу икки астрономнинг бошлари таналаридан жудо этилган.

— **Т. Олимпольцнинг китобида Ўзбекистон худудидан тутилиш ҳақида ҳам айтилганми?**

— Ҳа. Олимпольцнинг картограммасига кўра, Тошкентнинг 2000 йиллик тарихи давомида тошкентликлар табиатнинг бу «иньомидан» аттиги 3 марта баҳраманд бўлганлар, ваҳоланки, шу давр ичида Ўзбекистон худудидан етти, саккиз марта тўла тутилишлар бўлган. Тошкентда охириги марта Қуёшнинг тўла тутилиши XVIII асрда — 1761 йил октябрда юз берган, навабдагиси 2060 йилнинг 30 апрелида кузатилади.

— **Эртага республикамизда Қуёшнинг қандай тутилиши кузатилади?**

— Қисман тутилиш юз беради. Пойтахтда тутилиш Тошкент вақти билан соат 15 дан 41 дақиқа ўтганда бошланиб, соат 17 дан 44 дақиқа ўтганда туғайди. Бу жараёнда энг катта фазаси соат 16:45 га тўғри келиб, бу пайтда Қуёш гардишининг 73 фоизи Ой билан тўсилади.

**Сўхбатдош:**  
**Алимуллоҳ СУЛТОН,**  
**«Ўзбекистон овози»**  
муҳбири

## ХОРИҶДА УКРАИНА

Яқшанба кунини Украинада парламент сайловлари бўлиб ўтди. Социологлар ҳисоб-китобига кўра сайловда Виктор Янукович бошчилигидаги Регионлар партияси галаба қозониши керак эди. Иккинчи ўринда Юлия Тимошенко блоқи, президент Виктор Ющенкога тегишли бўлган «Бизнинг Украина» партияси учинчи ўринда, тўртинчи ўринни социалистлар эгаллайди, дея баъшорат қилишган эди. Аммо Украина сайлов комиссияси берган эрталабки маълумотларга кўра, овозлар куйидагича тақсимланган эди:

Юлия Тимошенко блоқи — 24,92 фоиз  
Регионлар партияси — 23,1%  
«Бизнинг Украина» блоқи — 17,53%  
Социалистлар партияси — 8,17%  
Литвин бошчилигидаги блок — 3,02%  
Украина коммунистик партияси — 3,17%

Бироқ орадан бир неча соат вақт ўтгач, социологлар баъшоратлари тўғри чиқа бошлади. Кечга яқин Януковичнинг регионлар партияси 26,17 фоиз, Тимошенко блоқи эса 23,73 фоиз овоз олгани маълум бўлиб қолди.

Бу сафарги сайловларда 45 та партия ва блоклар қатнашди. Сайловда бунча сиёсий ташкилотларнинг қатнашиши мамлакат тарихида биринчи бор кузатилмоқда.

2002 йилда ўтказилган парламент сайловларида 33 та партиядан оптимистга Рада (парламент)га ўтишга муваффақ бўлган. Ушунда партия галаба қилиши учун сайловчиларнинг камидан 4 фоиз овозини олиши керак эди. Бу сафар эса 3 фоиз овоз олган партия ёки блок гўёлиб ҳисобланади.

Дастлабки маълумотлар ҳеч бир партия Вазирилар Маҳкамаси таркибини тузиш ҳуқуқига эга бўлмаганидан далolat бермоқда. Чунки бунинг учун Олий Раданинг 450 давлатидан 226 сени эгаллаш керак. Бунга эса фақат бошқа партия билан қолиши тузибгина эришиш мумкин.

«Бизнинг Украина» блоқи, Юлия Тимошенко блоқи ва Александр Морозов бошчилигидаги Социалистлар партияси Олий Радада коалиция тузишга келишиб олишди.

Юлия Тимошенко эса ўз номзодини бош вазириликка кўрсатмоқчи эканлигини билдирди. У бош вазир бўлса, Россия билан газ борасидаги келишувларни қайта кўриб чиқишни айтиди.

Юлия Тимошенко блоқи Янукович бошчилигидаги Регионлар партиясини парламентдаги муҳолифат сифатида кўрмоқда. «Бу табиий ҳол. Ҳукумат ўзини қандай бошқараётганини кўриш учун мамлакатга кучли муҳолифат керак», деди Тимошенко.

ЕХТ, Европа Кенгаши, Европа парламенти ва НАТОнинг бирлашган кузатувчилар делегацияси аъзоси Марек Сивец Украинада 26 март кунини ўтказилган парламент сайловларида жиддий қўнғунбарликлар рўйхатга олинмаганини маълум қилишди.

Сивецнинг фикрича, мамлакатнинг янги парламенти Европага мойил бўлади. Унинг сўзларига қараганда, янги парламент муҳолифатни тан олиб, «Европа Иттифоқига кириш учун ишлаши керак».

Украина Марказий сайлов комиссияси сайловнинг охириги натижалари бир ҳафтадан кейин маълум бўлишини билдирди.

Фаластинда бир неча кун ичида қонун чиқарувчи орган биносида мухториятнинг янги ҳуқуқати шакллантирилиши масаласи бўйича сайлов ўтказилди. Кузатувчилар асосан ХАМАС гуруҳи вакиллари билан ташкил топган Вазирилар Маҳкамасининг янги таркиби тасдиқлиниши

башорат қилмоқдалар. Январь ойида парламент сайловларида галаба қозонган ХАМАС гуруҳи дунё ҳам-жамияти босимида учрамоқда: ХАМАСдан Исроилни тан олишни талаб қилишмоқда. Бироқ гуруҳ бунга рози эмас. ХАМАС етакчиларининг сўзларига кўра, Исроилни тан олиш Фаластин ерларини Исроил

томонидан босиб олинишини тан олиш деганидир. Исроил, ЕИ ва АҚШ ХАМАСни террорчи ташкилот деб ҳисоблайди. 2005 йилда ЕИ Фаластин мухториятининг энг йирик молиявий донорига айланган. Бироқ ХАМАС галабасидан кейин ЕИ янги ҳуқуқат Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш учун қанчалик ҳаракат қилишига қараб молиявий ёрдам ажратилишини маълум қилди. Исроил ҳуқуқати ХАМАС бошчилигидаги Вазирилар Маҳкамаси билан ҳамкорлик қилишдан бош тормоқда. Улар гуруҳ олдига қуролли курашни тўхтатиш ва Исроилни тан олиш талабини қўйган.

Бу талаблар расман бажарилиши кузатилмаётган бўлса-да, ХАМАС Исроил билан норасмий тинчлик суҳбати тузган кўринади.

## ШОТЛАНДИЯ

Шотландияда жамоат жойларида чекиш тақиқланди. Тамакига қарши бўлганлар бу қонунни қўллаб-қувватлашмоқда. Бироқ бунинг олқишламаётганлар ҳам бор. Уларнинг фикрича янги тартиб инсон ҳуқуқлари бузилишига ва ишчи ўринлари қисқаришига сабаб бўлиши мумкин.

Бу тақиқ ижросини Англия, Уэльс ва Шимолий Ирландияда диққат билан кузатишмоқда. Гап шундаки, бу ердаги сиёсатчилар ҳам чекишни ман этишга уринишмоқда.

Махсус ажратилган жойлардагина чекишга руҳсат этилади. Бу тартибни бузган шахслар 50 фунт (87 доллар) жаримага тортилади.

Ўз назорати остида бўлган худудда қонун ижросини таъминлай олмаган иш бошқарувчиларга эса 200 фунт (350 доллар) жарима солиниши мумкин.

«Би-Би-Си» агентлигининг хабар беришича, Тбилисининг 5-сонли қамоқхонасидаги маҳбуслар кўтарган қўзғолонни бостириш амалиёти давомида бир неча одам ҳалок бўлди.

Маҳбуслар қамоқхонадан оммавий қочиш режасини амалга оширишга ҳаракат қилгандан сўнг қамоқхонага полиция махсус кучлари юборилган.

Грузия адлия вазири Гия Кавтарадзеннинг айтишича, қамоқхона раҳбарияти бир соат мобайнида маҳбусларни камераларига қайтишга даъват этишган, акс ҳолда полициянинг махсус бўлинмалари қақирлиши ҳақида огоҳлантирган.

Вазир маҳбуслар уюштирган қочиш режаси амалга ошганда, бошқа қамоқхоналарда ҳам қўзғолон бошланиб кетишига олиб келиши мумкинлигини айтиди.

Грузиянинг «Рустави-2» мустақил телеканали тарқатган маълумотга кўра, олти нафар маҳбус ўлдирилган, 13 нафар ҳавфсизлик кучлари ва қамоқхона хизматчиси жараҳат олган.

Фаластин мухторияти

Фаластин мухторияти

## ГРУЗИЯ

Грузия парламенти депутаты Елена Тевтардзе махбуслар ва полиция кучлари тўқнашуви натижасида етти нафар шахс ўлдирилгани ва 19 нафар шахс ярдор бўлгани ҳақида маълумотлар борлигини билдирди.

РИА «Новости» хабарига кўра, қамоқхонадаги қўзғолонни бостириш давомида бир неча одам ҳалок бўлганини адлия вазири Гия Кавтарадзе ҳам расман тасдиқлади.

Грузия парламенти депутаты Елена Тевтардзе махбуслар ва полиция кучлари тўқнашуви натижасида етти нафар шахс ўлдирилгани ва 19 нафар шахс ярдор бўлгани ҳақида маълумотлар борлигини билдирди.

РИА «Новости» хабарига кўра, қамоқхонадаги қўзғолонни бостириш давомида бир неча одам ҳалок бўлганини адлия вазири Гия Кавтарадзе ҳам расман тасдиқлади.

Грузия парламенти депутаты Елена Тевтардзе махбуслар ва полиция кучлари тўқнашуви натижасида етти нафар шахс ўлдирилгани ва 19 нафар шахс ярдор бўлгани ҳақида маълумотлар борлигини билдирди.

РИА «Новости» хабарига кўра, қамоқхонадаги қўзғолонни бостириш давомида бир неча одам ҳалок бўлганини адлия вазири Гия Кавтарадзе ҳам расман тасдиқлади.

Грузия парламенти депутаты Елена Тевтардзе махбуслар ва полиция кучлари тўқнашуви натижасида етти нафар шахс ўлдирилгани ва 19 нафар шахс ярдор бўлгани ҳақида маълумотлар борлигини билдирди.

РИА «Новости» хабарига кўра, қамоқхонадаги қўзғолонни бостириш давомида бир неча одам ҳалок бўлганини адлия вазири Гия Кавтарадзе ҳам расман тасдиқлади.

Грузия парламенти депутаты Елена Тевтардзе махбуслар ва полиция кучлари тўқнашуви натижасида етти нафар шахс ўлдирилгани ва 19 нафар шахс ярдор бўлгани ҳақида маълумотлар борлигини билдирди.

РИА «Новости» хабарига кўра, қамоқхонадаги қўзғолонни бостириш давомида бир неча одам ҳалок бўлганини адлия вазири Гия Кавтарадзе ҳам расман тасдиқлади.


### Куйидаги жадвалда вилоятлар марказларида Қуёш тутилиши вақтлари берилмоқда

Шаҳарлар	Тутилишнинг бошланиш вақти	Энг катта фаза вақти	Тутилишнинг тугаш вақти	Энг катта фаза микдори
Нухус	15-26	16-36	17-40	0,82
Урганч	15-28	16-38	17-41	0,79
Бухоро	15-33	16-41	17-43	0,70
Навоий	15-34	16-41	17-43	0,72
Қарши	15-35	16-42	17-43	0,68
Самарқанд	15-37	16-42	17-42	0,69
Термиз	15-36	16-43	17-44	0,61
Жиззах	15-38	16-44	17-43	0,70
Гулистон	15-40	16-44	17-43	0,71
Тошкент	15-41	16-45	17-44	0,73
Фарғона	15-44	16-47	17-44	0,69
Наманган	15-44	16-47	17-44	0,71
Андижон	15-46	16-48	17-45	0,70

Эслатма: Қуёш тутилишини кузатиш учун бир томони қорайтирилган шашаба фойдаланиш керак. Акс ҳолда кўза жиддий шикаст етиши мумкин.

Китоб жавонингизга

# РУХИЯТНИНГ БЕКИЁС ДУНЁСИ



Абдукарим Усмонхужаевнинг «Дорисиз қалб давоси» китобини ўқитиб, гоҳо тўлқинланиб, гоҳ фикрга толиб, олис йиллар воқеаларини эслаб кетаман. Улардан бирини муаллифнинг ушбу китобига қисман алоқаси бўлгани учун келтириб ўтишни жоиз деб билдим.

Мен 1955 йили ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг мантик ва рухшунослик бўлимини битирганман. Талабалигимизда кўп ажойиб домлаларимиз бор эди. Улар кунни кеча қишлоқ кўчаларида ялангоёқ туПРОК чангитиб юрган биз ўсмирларга рух ва рухиятнинг тўп моҳиятини тушунириш учун содда, жонли мисоллар келтиришарди. Қочиб бораётган аскарнинг жароҳати га қараганда, қувиб бораётган аскарнинг жароҳати тез битади, чунки қувиб бораётган аскарнинг руҳи тетик, ишончи баланд, ўлим хавфи ҳам камроқ, дейишарди.

Устозимиз Аскархужаев домла бўлса, рух ва рухиятни тушунириш учун ҳаммиса Ибн Сино ҳазратларидан мисол келтириб, ҳамма гапнинг якуини бемор билан табиб муносабати га боғларди. Ҳаммамизни рухшуносликни чуқурроқ ўрганишга давват этиб, рухияти тетик халқ кучли, енгилмас бўлади, иждокору бунёдкор бўлади, деб қайта-қайта таъкидларди-да, охирида: «Қани, ўғилларим, қизларим рухшунос бўламизми?» — деб сўрарди. 35 талаба бир овоздан, албатта бўламиз, деб сўз берардик.

Демак, бизнинг устозларимиз рух ва рухият илмини, амалиётини миллатни улуглайдиган, соғлом, бақувват қиладиган омиллардан бири деб қараган экан.

Афсус, минг афсус, бирор-тамин ҳам домлага берган ваъдамизни бажара олмадик. Турмуш машаққатлари бизни бошқа йўл, йўлакчаларга бошлаб кетди. Уша бошқа йўлакчалардан кетиб қолганлар орасида мен ҳам бор эдим.

Аммо рух ва рухият илмига оид дастлабки сабоқларим, биринчи муҳаббат каби бир умр ёдимда қолди. Рух ва Оврупа рухшунослига оид китобларни гоҳо ахтариб топиб ўқийман. Қанийди, бизда ҳам рух ва рухият таҳлилига оид кўчи олимлар пайдо бўлса, улар ва амалиётчиларимиз ўртасида баҳслар бўлса, кўп-

кўп асарлар ёзилса, деб орзу қилардим.

Рухшунос Абдукарим Усмонхужаевнинг «Дорисиз қалб давоси» китобини ўқиб, юқорида қайд қилганим — ўша ҳолатларни қайта-қайта эслаб кетдим.

Китобнинг сўзбошидаёқ: **«Бизнинг рухиятимиз бўшлиқларида, яъни ботиний онгимизда ишлатилмай келаётган жуда улкан имкониятлар яшириниб ётгани ва уларни ҳаракатга келтириш ҳамда саломатликни тиклаш учун фойдаланиш усуллари, жуда содда, раван ва ишонarli тарзда талқин этилган»**, деган фикр битилган. Демак, муаллифнинг китоб ёзишидан бош мақсад шахснинг вужудиди беркинби ётган улкан имкониятларни ўрганиш ва ишга солишдан иборат.

Муаллиф ушбу китобда жажон рухшунослик илми ва амалиётида пайдо бўлган янгиликларни тасаввуф илмидаги буюк алломаларимизнинг фикрлари билан қиёслаш орқали миллатнинг менталитети га хос руҳий жараёнларни таҳлил этган. У бу катта тадқиқотида ички ботиний имкониятларни очиш ва ишга солишда қувиб асаб фаолияти, мия ва миячалар ҳолати, қон айланиш, ички секретция безлари алоқадорлиги масаласини ўртага қўяди. Китобда инсонни инсон қилиб турган бу


ҳолат узвийликда бобма-боб ўрганилади. Шундан сўнг даволаш йўллари баён қилинади.

Китобдаги олтинми бир фаслнинг ҳар бирида қалб жараёни касаллигининг у ёки бу кўриниши ва уни даволаш усуллари батафсил ёритилди. Тадқиқотнинг бошидан охиригача вужудимизда беркинган имкониятларни жонлантириш, ишга солиш масаласининг муҳимлиги алоҳида аҳамият қаратилган. Шундан келиб чиқиб муаллиф барча имконият инсоннинг ўз қўлида, деб таъкидлайди.

Жалолиддин Румий ҳазратлари айтганидек: «Ичингдаги ичингдадир» — газаб ҳам ўзингда, муҳаббат ҳам ўзингда, хушвақтлик ҳам, ишонч ҳам, хасталик ҳам, унинг давоси ҳам ўзимизда — муаллифнинг даъвои исботи шу. У инсон ўз-ўзини англамагунча, ўз-ўзини биллиб, ўрганиб олмагунча, яъни онг, ақл, ҳиссиётини бир-бирига боғламагунча мақсадга эришиб бўлмади, деб таъкидлайди.

Китобнинг оммавийлиги, долзарблигини ошириб, таъкидлаб турган ҳолатлар жуда кўп. Яъини «Дорисиз қалб давоси» китобини ўқиб, зарур ҳулосани ўзингиз чиқариб оларсиз, деган умиддаман.

**Худойберди ТҲУТАБОВ,**  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



## КОЛЛЕЖНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Самарқанд шаҳридаги қишлоқ хўжалик йўналишига ихтисослашган Агробизнес коллежининг 600 ўринга мўлжалланган янги биноси куриб битказилди. Лойиҳа қиймати 1 миллиард 998 миллион сўмлик иншоот курилиш ишларини «Бунёдкор» МЧЖ курувчилари амалга оширдилар.

Коллежда 2 та лаборатория, 2 та лингафон синфи, 1 та компьютер

хонаси, 100 ўринли ошхона ва спорт зали талабалар ихтиёрида бўлади.

Суратларда: коллеж директорининг ўринбосари Файрат Муҳаммадиев, (чапдан) «Бунёдкор» МЧЖ иш бошқарувчиси Ботир Саидов ва курилиш бригадаси бошлиги Илҳом Тожиев; янги коллеж.

**Ҳусан ТҲУФИЗОВ** олган суратлар



## Интер-спорт

### БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАНЛАР

Мельбурн шаҳрида ўтказилиши кўзда тутилган «Ҳамкорлик ўйинлари» мусобақасига келган Африка ва осийлик спортчилардан 9 нафари бедарак йўқолган. Бу спортчиларнинг етти нафари Сьерра-Леон фуқаросидир. Шунингдек, Танзания ва Бангладеш спортчилари ҳам шундай аҳволга тушибди. Йўқолган спортчилар. Австралиядан бошлана сўраши мумкинми, деган савол пайдо бўлди. Умуман олганда, спортчилар ҳозирча муҳожирлик тўғрисидаги қонунга хилоф иш қилишмаган. Тегшли хизматларнинг маълум қилишича, Австралияга келиш учун берилган рухсатномалар мuddати бир ойга чўзилади. Шу боис Австралия ҳукумати вакиллари бу мuddат тугагунга қадар воқеага аралашмоқчи эмас.

### КЛИЧКОЛАРНИНГ ОМАДИ КЕЛСА...



Украина Президенти Виктор Ющенко «Пора-ПРП» фуқаролик блоки етакчиси, бокс бўйича оғир вазндаги жаҳон чемпиони Виталий Кличко билан учрашди. Улар сайловолди кампанияси ҳамда мазкур блок ташаббускор кучларининг бўлажак парламентдаги имкониятлари хусусида суҳбатлашдилар. Шунингдек, сиёсатчилар мамлакат олимия ҳаракатининг истиқболлари ҳамда Президент ҳузуридаги жисмоний тарбия ва спорт масалалари бўйича миллий кенгашнинг дастлабки йиғилиши борасида фикр юритдилар. Мазкур йиғилишни апрель ойида ўтказиш кутилмоқда. Виталий Кличко эса ана шу кенгашнинг раиси ўринбосари ҳисобланади.

Эслатамиз, собиқ спортчи Киев мари бўлишига даъвогарлик қилмоқда. Унинг укаси Владимир эса америкалик Крис Берд билан IBF йўналиши бўйича жаҳон чемпиони номини олиш учун бўладиган жангга ҳозирлик кўрмоқда.

### НАФОСАТ ВА МАҲОРАТ НАМОЙИШИ



Калгари шаҳрида фигурали учуш бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Ийгитлар ўртасида яқна бахсларда бултур Москвада бўлгани каби швейцариялик Стефан Ламбель яна жаҳон чемпиони номига сазовор бўлди. Француз Бриан Жубер билан америкалик Эйван Лисачек

иккинчи ва учинчи ўринларга эга бўлишди. Россиялик Илья Климин билан Андрей Грязевларнинг омадлари чопмай, ўнинчи ва ўн олтинчи ўринларда қолишди.

Қизғин шундаки, кейинги ойда Ламбель ўзининг йигирма бир ёшини қаршилайди. У эркин дастур бўйича чиқишда Вивальдининг «Йил вақти» мусиқасига ҳаракат қилиб, сакрашларда тўрт марта айланишни ўрнига қўйди. Жубер ҳам шундай натижага эришган бўлса-да, унинг баъзи жузвий камчиликлари инобатга олинди.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририят жамоаси газетанинг собиқ ходими Абдувахоб Абдубанноповга онаси

**МАЛИКАХОН** аянинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бир гуруҳ шогирдлари Галлаорол туманидаги Ўзбекистон номили 22-ўрта мактаб директори Анвар Ибодуллаевга отаси **Ибодуллохон хожи Абдуллохон** ўлигининг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладди.

## ЭЗГУЛИК ТАДБИРИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Тошкент шаҳридаги хотин-қизлар калониясида Хомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан амалга оширилган оммавий, маданий-маърифий тадбирлар режасини ишлаб чиқди.

Яқинда мазкур муассасада ана шундай тадбирлардан бири Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилди. Унда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси вакиллари, маданий-маърифий тадбирлар режасини ишлаб чиқди.

нашчиларида катта таассурот қолдирди. Шунингдек, тадбирда колониядаги маҳкума аёллар ўртасида ўтказилган «Менинг орзум», «Менинг оилам», «Менинг келажгим» мавзуларидаги иншоолар танловининг якуни эълон қилиниб, голибларга байрам совғалари тақдим этилди.

Айтиш керакки, бу каби тадбирлар ҳаётда адашган хотин-қизларни яна жамиятга қайтариш, уларни жазо мuddатини ўтаб бўлганидан кейин фақат эзгулик гоёлари билан яшашга ўргатиш ҳамда келажакка бўлган ишонч туйғусини мустақамлашда муҳим аҳамият касб этади.

(Ўз мухбиримиз)

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

## ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖЛИК ИШБИЛАРМОН ТАДБИРКОРЛАР!

Давлат мулки кўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси ҳамда Тошкент вилоят ҳудудий танлов комиссияси

Тошкент вилоят ҳудудий танлов комиссияси баённома қарорига мувофиқ объектларни инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиш шарти билан бепул бериш бўйича танлов эълон қилади..

**Танлов ўтказилиш куни — 2006 йил 18, 25 май ва 2, 13 июнь кунлари. Вақти — соат 11<sup>00</sup> да.**

**Ўтказилиш жойи — Тошкент вилоят ҳокимияти Манзил — Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19- уй.**

Танлов савдоларида барча нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, маҳаллий ва хорижий ишбилармон ва тадбиркорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари қатнашишлари мумкин.

Танлов иштирокчиларидан аризалар ва ҳужжатлар тўпламларини қабул қилиш савдо кунидан уч кун аввал тўхтатилади.

Т/р	Корхона ёки объект номи	Жойлашган жойи (тум.шаҳ.)	Устав фондидаги давлат активи (фоизда)		Фаолият тури (сақлаб қолиш ёки қолмаслик)	Инвестицион мажбуриятнинг минимал миқдори (млн. сўм)	Инвестицион мажбуриятнинг бажарилиш мuddати (йил)
			Жами	Шу жумладан давлат улуши			
1.	«Паркент» ИКМК ОАЖ	Паркент тумани	98,14	98,14	Фаолият турини сақлаб қолмаслик	100	12 ой

**Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19- уй. Давлат мулки кўмитаси Тошкент вилоят бошқармаси. Тел.: 136-76-37, 133-08-65, 133-67-22, 132-06-76**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 майдаги 209-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент вилоят «Паст рентабелли, зарар қўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналарни ва паст ликвидли объектларни инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича ҳудудий танлов комиссияси»нинг

2006 йил 16 мартда ўтказилган танлов натижаларига кўра, Тошкент вилояти, Паркент туманида жойлашган «Паркент» ИКМК ОАЖ 98,14 фоиз давлат активи бўйича инвесторлар билан тузилган шартномалар бекор қилинганлиги ва улар бўйича қайта танлов савдолари ўтказилиши маълум қилинади.

### BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

### TAHRIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV
- Latif G'ULOMOV
- Asliddin RUSTAMOV
- Ashur QODIROV
- Bobir ALIMOV
- Farruh HAMROYEV
- (Bosh muharrir o'rinbosari)
- Alimqul SULTONOV
- (Bosh muharrir o'rinbosari)
- Andrey ORLOV
- (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
- Norbobo SHAKAROV
- Nomoz SA'DULLAYEV
- To'lepbergen QAIPIBERGENOV
- Muslihidin MUHIDDINOV
- Olim MURODOV
- Abdug'ani MAMASODIQOV
- (Mas'ul kotib)

### MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

### BO'LIMLAR:

- Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
- Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
- Iqtisodiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
- Parlament va huquq 136-76-21
- Ekologiya va salomatlik 133-44-55
- Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-72-83
- Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83
- Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

### VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda — 25-32-70
- Buxoroda — 222-10-92
- Gulistonda — 25-22-32
- Jizzaxda — 5-49-85
- Navoiyda — 223-83-73
- Namangonda — 6-43-43
- Nukusda — 222-70-15
- Samarqandda — 35-20-54
- Urganchda — 226-51-35
- Farg'onada — 26-43-62
- Termizda — 3-79-98

### MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

### Naybatchi: Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

### Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.

### Korxonalar: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tabiiy ruxsat bilan amalga oshiriladi.

14419 nusxada bosildi  
1 — Tижорат материал  
O'za yakuni — Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5  
Sotuvda erkin narxda